

**ВОЯГА ЕТМАГАН ЎҚУВЧИЛАРНИНГ АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК
ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ПСИХОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ****Абдусаматова Ш. С***катта ўқитувчи**Чирчиқ давлат педагогика университети**“Психология” кафедраси мудири*

Тез ўзгараётган даврда кенг кўламдаги ахборот тизими ва телекоммуникация технологияларининг ривожланиши ҳаётнинг деярли барча соҳаларига ва инсон фаолиятига кириб бориши ахборот маконининг глобаллашуви, бугун жаҳон ривожига кўрсатаётган омил сифатида эътироф этилади. Бугунги кунда мамлакат ичидаги ва ташқи дунёдаги фаол ахборот алмашуви одамлар эҳтиёжининг ортиб бориши яққол сезилмода. Ҳар қандай замонавий давлатда ахборот ҳамиша жамият ҳаётида содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларни истеъмолчига холис етказиб бериш ва кишиларнинг онги, дунёқараши, ижтимоий-сиёсий ҳамда ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда асосий восита бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Айни пайтда шиддат билан ўзгариб бораётган глобаллашув жараёнида ҳаётимизнинг бирор бир соҳасини оммавий ахборот воситасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳозирда интернет ҳам ОАВнинг бир кўриниши сифатида талқин қилинмоқда. Интернет тармоғи орқали кун давомида қанчадан-қанча ахборотлар қабул қилинади. Интернет-ҳалқаро компьютер тармоғи бу-вақт, макон ва жуғрофий чегараларнинг мавжудлигига қарамай, компьютер ва кичик тизимларнинг ўзаро алоқа боғлаб глобал ахборот инфратузилмасини шакллантирувчи бутунжаҳон компьютер тармоғидир. Ҳар куни миллионлаб одамлар интернетда ҳар хил мақсадларда фойдаланади. Ҳозирда интернет ҳамма учун фойдаланилиши мумкин булган оператив коммуникация воситасидир. Хоҳлаган киши интернетда бошқалар билан мулоқотга киришиши, маълумот олиши ва ўз маълумотини чоп қилиши мумкин. Бундай фаолиятлар интернетда тез ва арзон амалга оширилади. Гуёки у ахборотлар макони. Биз бу ахборот маконидан ўзимизга керакли янгилик ва хабарларни, маълумотларни олишимиз ёки уларни жўнатишимиз мумкин. Ахборот макони - бу, кўзга кўринмайдиган бир вертуал омилдир. Аниқроқ, айтадиган бўлсак, у интеллектуал-маънавий ҳодисалар сирасига киради. У моддий ишлаб чиқариш эмас, балки билим ҳамда аклнинг маҳсулидир. Шу боисдан уни ижтимоий тараққиётдаги ўрнига кўра илм-фан билангина қиёслаш мумкин. Жисмга, умуман моддийликка адад, ҳажм, оғирлик, узунлик ва кенглик сингари ўлчовлар хос бўлса, ахборот эса аксинча ундай хоссаларга эга эмас. Бу жиҳатдан ахборот олами ҳадсиз ва худудсиздир. Статистик маълумотларга кўра ҳар куни 75 млн киши интернетда фақатгина e-mail дан фойдаланар экан. Интернетда қай мақсадда фойдаланаётганларни агар фоиз кўрсаткичида кўрсатсак, шундан: 95% e-mail жўнатишади. Мамлакатимизда белгиланган Қонунларда ахборот хавфсизлиги

қисман белгилаб қўйилган. Бу қонунлар бироз бўлса-да, ахборот хуружининг олдини олиши мумкин. Аммо, болаларнинг on-line ўйинларидан кам фойдаланиши учун махсус қонунлар йўқ. Бу эса ота-оналар ва педагог зиммасидадир. Болаларда асосан мактаб даврида турли соҳаларга қизиқиш уйғонади. Мактабларда “Компьютер асослари” фани ўқитилади. Шаҳар, туман, чекка-чекка қишлоқларда шу фан ўқитилиш баробарида мактаб ёшидаги болаларга интернет ва унинг чексиз имкониятлари мавжудлигини, шу билан биргаликда унинг салбий томонлари ҳақида ҳам маълумотлар бериб борилиши лозим. Мактаб компьютерларни интернет тармоғига улаш мақсадга бўлиб, ўқувчиларга интернетдан қандай фойдаланиш йўллари, маълумотлар қидиришни чет мамлакатларда ўз тенгқурлари билан мулоқотни ҳар қандай амалга ошириш лозимлиги борасида маълумотлар бериш керак. Ахборий қарама-қаршилик-бу, аудиторияга атроф-дунёдаги бирор ҳодисага нисбатан муносабатда бўлишга ўз қарашлари, фикрини намоён этиш ҳамда қарши томон ғояси ва нуқтаи назарини инкор этиш роли билан таъсир этишга интилишдир.

Шунда мактаб ёшидаги болалар фақат дарсликлар билан чекланмай, интернетдаги хабарлардан ва янгиликлардан ҳам хабардор бўлиб турадилар. Бунинг натижасида, интернет-клубларда фақат ўйин ўйнаш ва вақтини ўтказиш учун кирганлар сони камайиб, интернетни ахборот макони деб ўйловчиларнинг сони тобора ошган бўлар эди. Интернетнинг чексиз имкониятларидан тулақонли фойдаланиб, давлатимизнинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлаш ва жаҳонга танилиши учун ҳаракат қилишимиз зарур. Интернетдан умумиллий манфаатга хизмат қиладиган ва унинг тараққиётига ёрдам берадиган ахборотларни танлаб, таҳлил қилиб фойдалансак, салбий ва ноҳолис ахборотлар таъсирига тушиб қолишни олдини олиш лозим.

Мутахассислар фикрича бу қўйидаги мақсадларда амалга оширилади:

- ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига таҳдидларнинг олдини олиш;
- ахборотнинг конфиденциаллигини сақлаш, унинг ОАВда чиқиб кетиши, ўғирланиши ва йўқолишининг олдини олиш;
- ахборотни бузиб кўрсатиш ва сохталаштиришнинг олдини олиш⁸.

Демак, бугунги глобаллашган маконда ахборот хавфсизлигини тامينлаш – ахборот соҳасига зиён етказилишининг олдини олишга хизмат қилади. Бу жараёнда ёвув ниятли кишиларнинг кирдикорларига қарши кураш билан бир қаторда турли даражада келтирилиши мумкин бўлган зарарларнинг ҳам олди олиниши табиий.

Жамият ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлашда унинг қўйидаги компонентлари (таркибий қисмлари)ни билиш зарур, яъни, таҳдидлар, таҳдид объектлари, таҳдид манбалари, таҳдиднинг мақсадлари, ахборот манбалари, ахборотни ғайриқонуний тарзда қўлга киритиш усуллари, ахборотни ҳимоялаш йўналишлари, ахборотни ҳимоялаш усуллари, ахборотни ҳимоялаш воситалари⁹. Шу ўринда айтиш жоизки, ахборотни турли таҳдидлардан ҳимоялаш учун ғайриқонуний

ҳаракатларга бефарқ қарамаслик, уларнинг олдини олиш, ахборот манбаларига рухсатсиз киришга йўл қўймаслик ва зарур пайтда қаршилик кўрсатишни таъминловчи турли тадбирлар, йўллар, усулларни қўллаш тақозо этилади.

Ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашнинг маънавий-маърифий аспекти, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш, ОАВ ходимлари фаолиятининг ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларига қатъий амал қилиш ахборот-психологик хавфсизлигининг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Шуни айтиш жоизки, ахборот-психологик хавфсизлик-давлат, жамият ва шахсга зиён етказиши мумкин бўлган тасодифий ёки қасддан қилинган ахборот таъсирлардан ҳимоялашга қаратилган муҳим саъй-ҳаракатдир. Ахборот-психологик хавфсизлиги бу ёт, бузғунчи ғояларга асосланган ахборот хуружлари таъсиридан барча инсонларни, айниқса ёшларни руҳан, психологик ҳимоялаш, мафкуравий иммунитетини ошириш йўли билан бу борадаги хавфсизлигини таъминлашдан иборат. Ахборот борасидаги хавфсизлик-ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлат манфаатларининг ҳимояланганлик ҳолатидир. Жамиятда ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашда энг муҳим мезонлардан бири ахборотнинг очиклиги, ахборот эркинлиги билан боғлиқ муаммодир. Мамлакатимизда ахборот эркинлиги қанчалик ҳуқуқий жиҳатдан таъминланганлиги ҳамда жамиятимизни ахборотлаштириш қонуний асослар билан амалга оширилаётгани бу борадаги ислохотларнинг янада самарали бўлишига хизмат қилади. Ватан тараққиёти, юрт келажаги, баркамол авлод тақдирини ўйлаб қилинаётган саъй-ҳаракатлар замирида аввало ёшларимиз маънавий оламини бойитишга қаратилган саъй-ҳаракатлар устувор бўлишини изоҳлашга ҳожат йўқ. Бундай шароитда ёшлар онги тўғри шаклланиб, турли бўлмағур ғояларга чалғимади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Бекмуродов М. Ўзбекистонда жамоатчилик фикри. -Т.: Фан, 1999.
2. Дўстмуҳаммад Х. Глобаллашув даври ва ахборот макони. //Ўзбекистон матбуоти, 2007 йил 3-сон.
3. Информация. Дипломатия. Психология.-М.: Известия, 2002.
4. Криско В. Секреты психологической войны. Цели, задачи, формы, опыт.- Минск. Харвест, 1999.
5. Комилов Н. ва бошқ. Маърифатли жамият муҳолифлари.-Т.: Академия, 2005.
6. Эшбеков Т. Мафкура майдонида ахборот-психологик хавфсизлик. Ўқув қўлланма. - Т.: ЎзМУ, 2010.
7. Эшбеков Т. Ахборот-психологик хавфсизлик. Ўқув қўлланма. –Т.: ЎзМУ, 2011.